

**МАВЗУ: Профессional  
таълим муассасаларида  
ўқув ва ишлаб чиқариш  
амалиётлари  
масъулотлари  
режалаштириш ва ташкил  
етиш**

## РЕЖА:

1. Профессионал таълим муассасаларида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари машғулотларни режалаштириш ва ташкил этиш мазмуни.
2. Профессионал таълим муассасаларида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари машғулотларнинг ўтказиш шакллари.
3. Профессионал таълим муассасаларида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказишда ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш ва унга қўйилган талаблар



## Дарс - таълимнинг асосий шакли

### Замонавий дарсга қўйилган асосий талаблар:

➤ шахс ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва фаолаштириш

➤ дарсда дидактик тамойиллар ва қоидаларнинг ўзаро уйғун нисбатини таъминлаш

➤ ўқувчилар қизиқиши ва лаёқати асосида билиш фаолиятига зарурий шароитлар яратиш

➤ ўқувчилар англайдиган даражада фанлараро алоқадорлик ўрнатиш

➤ ўқувчининг ривожланиш даражаси ва олдин ўрганган билими ва кўникмаларига таяниш

➤ дарсни пухта режалаш ва лойиҳалаштириш

➤ дарсни фаннинг энг янги ютуқлари, илғор педагогик технологиялар ва педагогик қонуниятлар асосида ташкил этиш

➤ ўқув-тарбиявий фаолият босқичлари мантиқийлиги ва жўшқинлигини таъминлаш

➤ педагогик воситалардан самарали фойдаланиш

➤ ўқувчининг шахсий тажрибасига, ҳаёт, ишлаб чиқариш фаолиятига таяниш

➤ билим, кўникма ва малакаларни, тафаккур ва фаолиятнинг тўғри усулларини шакллантириш

➤ ўқиш ва билимлар ҳажмини доимий кўпайтириб боришга эҳтиёжни шакллантириш

## Дарсинг асосий турлари:

### Аралаш дарс:

- ўқувчилар билимлари (уйга берилган топшириқлар) пухталигини текшириш;
- ўқитувчининг ўқувчилар билан янги билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириши бўйича биргаликдаги ҳаракати (янги мавзунни ўрганиш);
- ўрганилган материални мустаҳкамлаш ва машқлар бажариш;
- билим, кўникма ва малакалар ўзлаштирилишини баҳолаш (ёки балл қўйиш);
- уйга берилган топшириқлар юзасидан кўрсатмалар бериш.

### Янги билимларни эгаллаш дарси (маъруза дарс)

### Кўникма ва малакаларни шакллантириш дарси (амалий дарс)

### Билимларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш дарси

### Билимларни умумлаштириш ва тартибга солиш дарси

### Назорат-синов дарси

**Ноанъанавий дарс** – ўқувчиларда ўқув меҳнатига қизиқишни вужудга келтириш ва уни сақлаб қолишга йўналтирилган ноанъанавий тузилмали ўқув машғулоти.

**Ноанъанавий дарсларнинг турлари:** маъруза дарси; семинар дарси; ўйин дарслари (мусобақа, аукция, танлов ва ҳ.к.), маслаҳат дарси; экскурсия дарси; синов дарси; амалий ўйин дарслари (“суд”, конференция, матбуот анжумани); билоғонлар дарси; ижодиёт дарси; ижодий ҳисобот дарси; компьютер дарси; умумлаштириш дарси; хаёлий дарси; концерт дарси; театрлаштирилган дарс; фанлараро дарс.

## Таълим жараёнини ташкил қилиш воситалари -

ахборот манбаи сифатидаги мукаммал воситалар

ўқув материални ўзлаштириш қуроли сифатидаги моддий воситалар

ўқув жараёни мақсадига эришишида фойдаланиладиган материаллар ва "қуроллар";  
билим ва кўникмаларни ўзлаштиришида ўқувчи ва ўқитувчи томонидан фойдаланиладиган моддий ёки мукаммал объектлар

### Таълим воситаларининг турлари:

- **ўқув-методик ҳужжатлар:** ДТС; ўқув режаси; ўқув дастури; дарслар жадвал; амалиёт дастури; ўқув-ишлаб чиқариш ишлари ва ҳ.к.;
- **машғулотнинг дидактик воситалари:** табиий объектлар (модель, макет ва ҳ.к.); кўрсатмали воситалар (чизма, расм, фотосурат, диаграмма ва ҳ.к.); географик хариталар; шартли белгилар мажмуи (нота, математик ишора, географик шартли белги ва ҳ.к.); техник воситалар (диапроектор, магнитофон, видеомагнитофон, асбоб-ускуналар, телевизор, компьютер ва ҳ.к.); лаборатория жиҳозлари (пробирка, кимёвий реактив, микроскоп ва ҳ.к.); ўқув-компьютер дастурлари; машқ мосламалари ва қурилмалари, технологик хариталар ва ҳ.к.;
- **ўқувчилар учун таълим воситалари:** дарслик (электрон дарслик), ўқув қўлланма; ўқиш китоби; маълумотнома; машқ ва масалалар тўплами; чизмалар тўплами; касбга ўргатиш бўйича қўлланмалар ва ҳ.к.;
- **ўқитувчилар учун дидактик воситалар:** психология, педагогика ва хусусий методика; ўқув-услубий мажмуалар, услубий ишланмалар ва ҳ.к.

### I. Таълим жараёнини ташкил қилиш воситалари:

- **ахборот воситалари** - дарслик, ўқув қўлланма; илмий китоб ёки журнал; ёрдамчи адабиёт, жадвал, харита; фоторасм, плакат; ўқитувчи сўзи;
- **услубий воситалар** - ўқув режаси, ўқув дастури; услубий ишланма; электрон дарслик ёки қўлланмалар; ўргатувчи модуллар; назорат топшириқлари; ўз-ўзини назорат қилиш саволлари;
- **техник воситалар** - ўқув-техника воситалари; умумий ва махсус жиҳозлар.

### II. Таълим жараёнини бошқариш воситалари:

- топшириқлар бериш;
- рағбатлантириш;
- вақт ва иш меъёрларини белгилаш;
- кўрсатмалар бериш;
- қоидаларни тушунтириш;
- иш тартибларини тушунтириш;
- ўқиш технологияларини тушунтириш;
- қарорлар қабул қилиш;
- маслаҳатлар бериш;
- тавсиялар этиш.

дидактик аҳамияти - ўқув материалининг ўзлаштирилишини тезлаштириш

**Таълим сифати -**

*таълимнинг ижтимоий тизим, жараён ва  
натижа сифатида шахс, жамият ва давлат  
эҳтиёжлари ва манфаатларига мувофиқлиги;  
инсон камолоти эҳтиёжларини қондириши  
имкониятини таъминловчи таълим  
хизматларининг истеъмол хусусиятлари  
мажмуи*

*Таълим сифатини аниқловчи  
асосий омиллар:*

**таълим муассасасининг  
интеллектуал-маънавий  
салоҳияти**

**педагоглар таркиби**

**ўқувчи-битирувчилар**

**ўқув-методик таъминот**

**моддий-техник таъминот**

*Таълим сифатини педагогик  
таъхислаш тамойиллари:*

**адолатлилик**

**мунтазамлик**

**кўргазмалилик**

## Педагогик назорат -

- педагогик жараённинг таркибий ва якунловчи қисми;
- ўқувчиларда билим ва кўникмаларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш

### Назоратнинг вазифалари:

таълимий; тарбиявий; ривожлантирувчи; йўналтирувчи;  
услубий; ташхислаш; истиқболни режалаштириш

### Назорат турлари ва изчиллиги:

- *ўқувчилар билим даражасини олдиндан аниқлаш* - ўқув йили бошида, курс ёки бўлимни ўрганишдан олдин;
- *жорий текшириш (назорат)* - ҳар бир мавзуни ўрганишда билимларнинг ўзлаштирилиши;
- *оралиқ текшириш (назорат):* мавзуй - муайян мавзулар ўрганилгандан кейин билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши;
- *даврий* - бўлим ёки катта мавзу бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши;
- *якуний текшириш (назорат)* - чорак (семестр) ва ўқув йили охирида эришилган таълим олганлик даражаси ташхиси.

### Назорат қилиш методлари –

ўқув жараёни ҳақида маълумот олишга, унинг самарадорлигини рўёбга чиқаришга имкон берадиган ташхисий фаолият услублари:

- **оғзаки назорат** – савол-жавоб шаклидаги сўров (ёппасига, гуруҳли, якка тартибда), суҳбат, синов, оғзаки имтиҳон, матнни ўқиш;
- **ёзма назорат** – назорат иши, диктант, баён, иншо, реферат, тест, ёзма синов ва имтиҳон;
- **амалий назорат** – амалий ва лаборатория ишлари, илмий-тажриба ва синов ишлари, масалалар ечиш, чизма ва хариталар чизиш, асбоб-ускуналар яшаш ва ҳ.к.;
- **дастурлаштирилган назорат** - компьютердан фойдаланган ҳолда;
- **рейтинг назорати** - ўқувчилар билим савияси ва ўзлаштириш даражаси кўрсаткичларини жорий (оғзаки сўров, тест, суҳбат, назорат иши, уй вазифасини текшириш), оралиқ (ёзма ва оғзаки сўров, тест) ва якуний (таянч тушунча ва ибораларга асосланган “ёзма иш”) аниқлаш ва баҳолаш.

**Текшириш** (билим ва кўникмаларни аниқлаш) ҳамда **баҳолаш** жараёнлари, уларнинг бирлиги.

### Назорат қилиш шакллари:

- оммавий назорат қилиш;
- гуруҳни назорат қилиш;
- якка тартибда назорат қилиш;
- ўз-ўзини назорат қилиш.

**Ўқувчилар ўзлаштиришини назорат қилиш ва баҳолашга қўйилган педагогик талаблар**

**Баҳо** – ўқувчилар ўқишини рағбатлантириш ва унга таъсир кўрсатиш воситаси.

**Ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонлари:**

5 баллик тизимда:

- “5” баҳо - тўлиқ эгаллаган;
- “4” баҳо – старли даражада эгаллаган;
- “3” баҳо – старли даражада эгалламаган;
- “2” баҳо – эгалламаган;

100 баллик тизимда:


- “5” баҳо – 100-85 балл тўплаган;
- “4” баҳо – 84-70 балл тўплаган;
- “3” баҳо – 69-55 балл тўплаган;
- “2” баҳо – 54-0 балл тўплаган.

**Ўзлаштириш** - ДТСда (ўқув дастурида) белгиланган ва ўқувчи амалда эгаллаган билим, кўникма ва малакалар ҳажми ўртасидаги нисбатни ифодаловчи таълим самарадорлиги кўрсаткичи.

**Ўзлаштириш кўрсаткичи:**  $B = A T * 100 \%$   
(B – ўзлаштириш баҳоси; A – амалда ўзлаштирилган билим, кўникма, малакалар ҳажми; T – ўзлаштириш учун таклиф этилган билим, кўникма ва малакаларнинг тўлиқ ҳажми).

**Ўқувчилар ўзлаштиришини назорат қилиш ва баҳолашга қўйилган педагогик талаблар:**

- ҳар бир ўқувчининг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ва баҳолаш;
- ўқувчининг ўзлаштириш назоратини бутун таълим жараёни давомида мунтазам ўтказиш;
- назорат ва баҳолашни хилма-хил шаклларда ўтказиш;
- ўқув дастурининг барча бўлимлари бўйича назарий билимлар, амалий кўникма ва малакаларни тўлиқ қамраб олиш;
- ўқувчилар ўзлаштиришини адолатли баҳолаш;
- ўзлаштиришни ҳисобга олишнинг турли методикасини табақалаштирилган ҳолда қўллаш;
- ўзлаштиришни ҳисобга олишда барча ўқитувчилар талаблари бир хиллигини таъминлаш.



# Фойдаланилган адабиётлар:

1. Sh.Avazov, N.Muslimov, Sh.Qosimov, U.Hodiyev, E.Avazov. Kasb-hunar kollejlarida amaliy kasbiy ta'lim metodikasi va texnologiyalari (chizmalar, jadvallar va suratlarda).Metodik qo'llanma. –T., 2014.-10 bet.
2. N.Muslimov, M.Usmonboyeva, D.Sayfurov, A.To'rayev “Pedagogik kompetentlik va kreativlik
3. Ismailova Z.K., Ximmataliev D.O. “Kasbiy pedagogika” fanidan amaliy mashg'ulotlarni bajarish bo'yicha uslubiy qo'llanma. – T.:, TIMI, 2014



**ЭЪТИБОРИНГИЗ  
УЧУН РАХМАТ**